

ХФР

1918-yil
21-iyundan chiqqan
boshlagan

№38, 2022-yil
21-sentabr,
chorshanba (32.732)

O'zbekiston O'VOZI

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

Varchaga g'amxo'rlik — davlatning burchi

ЎЗБЕКИСТОН ВА ТОЖИКИСТОН ПРЕЗИДЕНТЛАРИ ИККИ ТОМОНЛАМА ВА МИНТАҚА КУН ТАРТИБИДАГИ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРНИ МУҲОКАМА ҚИЛДИЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 20 сентябрь кuni Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон билан телефон орқали мулоқот қилди.

Икки мамлакат етакчилари яқинда Тожикистон – Қирғизистон чегарасида рўй берган фожиали воқеалар билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилдилар. Давлатимиз раҳбари инсонлар қурбон бўлгани муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирди. Вазиятни нормаллаштириш юзасидан келишувга эришилгани мамнуният билан қайд этилди.

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Самарқанд саммитининг асосий яқунлари ва унинг доирасида ўтказилган икки томонлама учрашув юзасидан фикр алмашилди.

Олий даражадаги тадбирлар давомида қабул қилинган, энг аввало, энергетика, sanoat, қишлоқ хўжалиги ва бошқа тармоқларда кооперация лойиҳаларини тайёрлашни тезлаштириш ва илгари суриш бўйича қарорларни тез фурсатда амалга ошириш муҳимлиги таъкидланди.

ЎзА.

ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚИРҒИЗИСТОН ЕТАКЧИЛАРИ БЎЛАЖАК ТАДБИРЛАР РЕЖАСИНИ КЎРИБ ЧИҚДИЛАР

20 сентябрь кuni Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қирғиз Республикаси Президенти Саидр Жапаровнинг телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Давлат раҳбарлари Қирғизистон – Тожикистон чегарасида яқинда юз берган фожиали воқеалар юзасидан фикр алмашилди. Президентимиз қурбон бўлганларнинг оилалари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдирди ҳамда вазиятнинг авж олишини тўхтатиш бўйича икки томонлама келишувларга эришилганини чин дилдан олқишлади.

Ўзбекистон ва Қирғизистон етакчилари Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасида ўтказилган тадбирларнинг сермахсул яқунларини муҳокама қилдилар.

Устувор йўналишлардаги кооперация лойиҳалари бўйича келишувларни рўйбга чиқариш, шу жумладан, “Хитой – Қирғизистон – Ўзбекистон” темир йўлини қуриш лойиҳасини илгари суриш муҳимлиги алоҳида таъкидланди.

Бўлажак олий даражадаги, минтақавий тузилмалар доирасидаги учрашувларга тайёргарликнинг бориши ҳам кўриб чиқилди.

ЎзА.

Tahliliy sayt tarqatgan ma'lumotlariga ko'ra,
Telegram messengerida SHHTning Samarqand
sammiti 1.09.2022 dan 18.09.2022-yilgacha
soat 20:18 holatiga ko'ra:

51 670 6 ta tilda
51 670 ta maqola

340 217 497 Qamrovi

6 ta mamlakat

tgstat.ru

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Самарқанд саммитига оид материаллар телеграмм каналларида 340 миллион марта кўрилган

15-16 сентябрь кунлари Самарқандда бўлиб ўтган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгазининг навбатдаги мажлиси ОАВ ва ижтимоий тармоқ фойдаланувчиларида катта қизиқиш уйғотди. Биргина телеграмм каналларида ушбу мавзуга оид материаллар 340 миллион марта кўрилган.

Бу ҳақда душанба кuni Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлигининг расмий вакили Юсуф Қобилжонов маълум қилди.

– Telegram каналларида ШХТнинг Самарқанд саммити 340 миллион марта кўрилган ва 51 минг марта қайд этилган, – деди Ю.Қобилжонов.

ИСЛОҲОТЛАРНИНГ КЕЙИНГИ БОСҚИЧИ БЎЙИЧА ВАЗИФАЛАР КЎРСАТИБ ЎТИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 20 сентябрь кuni ислохотларни янада жадаллаштириш ва натижадорлигини таъминлаш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.

Халқимизга яхши маълумки, охириги йиллар мамлакатимизда туб ислохотлар даври бўлди. Кўплаб соҳаларда биринчи навбатдаги муаммолар ҳал этилди.

Хусусан, чет эл валютасининг эркин конвертацияси йўлга қўйилди. Солиқ тизими ислох қилиниб, солиқлар сони камайtirилди. Тадбиркорлик учун имконият кенгайтирилди. Божхона тартиблари соддалаштирилди. Барча соҳаларда ахборот технологиялари жорий этилмоқда. Қишлоқ хўжалигида бозор механизмларига ўтиляпти. Мажбурий ва болалар меҳнатига чек қўйилди.

Худудларни ривожлантириш, ижтимоий масалаларни ҳал этиш бўйича ҳам янги тизимлар жорий қилинди. Таълим ва тиббиётда сифатни ошириш чоралари кўрилмоқда. Умуман, бугунги кунда 100 дан ортиқ соҳа ва йўналишларда ислохотлар амалга оширилмоқда.

Эндиликда, жаҳондаги тез ўзгарувчан сиёсий-иқтисодий вазиятни инобатга олган ҳолда, барқарор ўсишни давом эттириш, аҳолининг яшаш тарзи ва турмуш шароитларини янада яхшилаш мақсадида ислохотларнинг кейинги босқичини амалга ошириш зарур. Энг асосийси, бу ислохотларни шошмасдан, мантиқий кетма-кетликда ва тизимли қилиш керак.

Шу мақсадда, давлатимиз раҳбарининг 9 сентябрдаги фармони билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ислохотлар агентлиги ташкил этилди.

Йиғилишда мазкур Агентлик фаолиятини йўлга қўйиш масалалари муҳокама қилиниб, устувор йўналишлар кўрсатиб ўтилди.

– Ислохотлар натижасида ижобий ўз-

гариш бўлиши, одамлар буни ўз ҳаётида сезиши керак. Агентлик бунинг учун устувор ислохотларни аниқлайдиган, уларни ўзаро мувофиқлаштирадиган ва натижадорлигини таъминлайдиган тузилмага айланиши лозим, – деди Президент.

Йиғилишда шу борадаги асосий вазифаларга тўхталиб ўтилди. Алоҳида соҳа ва тармоқларни ислох қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, ислохотларнинг устуворлиги ва мантиқий кетма-кетлигини белгилаш, давлат дастурлари ижросини мониторинг қилиш, тизимли муаммоларни аниқлаш ва тегишли чоралар кўриш шундай муҳим вазифалардандир.

Масалан, таҳлиллар қишлоқ ва сув хўжалиги, ер муносабатлари, иқтисодиётда давлат улушини қисқартириш, транспорт, коммунал хўжалиги, тиббиёт каби соҳаларда қўйилган мақсадларга эришилганини кўрсатмоқда. Стратегик ислохотлар агентлиги бундай муаммоларни танқидий таҳлил қилиб, ишни жадаллаштириш бўйича аниқ чора-тадбирларни белгилайди.

Иш ўринлари кўпайиши ва аҳоли даромадлари ўсиши учун иқтисодиётнинг устувор тармоқларини аниқлаш ҳам жуда муҳим.

Шу боис давлатимиз раҳбари аҳолининг барча қатламларига ижобий таъсир қиладиган ислохотларни аниқлаб, “йўл харитаси” ишлаб чиқиш бўйича кўрсатма берди. Бунда аҳолидан энг кўп мурожаат бўлаётган соҳаларга эътибор қаратиш, улар бўйича нимага эришилиши ва халқ нима манфаат кўришини аниқ кўрсатиш зарурлигини таъкидлади.

Устувор соҳаларни ислох қилиш ва мувофиқлаштириш бўйича вазирлик ва идораларнинг малакали мутахассислари ҳамда халқаро экспертлардан иборат Лойиҳа гуруҳларини шакллантириш вазифаси қўйилди.

ЎзА.

ЎЗБЕКИСТОНДА ИСЛОҲОТЛАР ДАСТУРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 20 сентябрь кuni ўзининг иқтисодий тараққиёт, самарали бошқарув ва халқаро ҳамкорлик масалалари бўйича маслаҳатчиси Сума Чакрабартини қабул қилди.

Учрашувда мамлакатимиздаги иқтисодиёт ва бошқарувни ислох қилиш доирасида эришилган натижалар ва бу борадаги келгуси режалар кўриб чиқилди.

Маслаҳатчи Чакрабарти Ўзбекистон етакчисини Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Самарқанд саммити муваффақиятли ўтказилгани билан табриқлаб, Президентимиз томонидан илгари сурилган Умумий хавфсизлик ва фаровонлик йўлида Самарқанд бирдамлиги ташаббусини юксак баҳолади.

Давлатимиз раҳбари устувор йўналишлардаги янгиланишларни биргаликда пухта тайёрлаш ва кейинчалик амалга ошириш жараёнини давом эттириш зарурлигини таъкидлади. Иқтисодиётнинг муҳим тармоқларини модернизация қилиш ва рақобатбардошлигини ошириш, давлат бошқарувини трансформация қилиш ва самарадорлигини кучайтириш, жамият ҳаётининг барча жабҳаларини рақамлаштириш, қулай инвестицион ва ишбилармонлик муҳитини яратиш, янги қадрларни тайёрлаш шулар жумласидан.

Сума Чакрабарти ушбу масалаларда Ўзбекистон Ҳукуматида бундан бун ҳам фаол кўмаклашишга тайёрлигини билдирди.

Эслатиб ўтамиз, Сума Чакрабарти Ўзбекистон Президентининг маслаҳатчиси этиб тайинланишидан аввал саккиз йил давомида Европа тикланиш ва тараққиёт банки президенти лавозимида фаолият юритган.

ЎзА.

ДУНЁ НИГОҲИДАГИ САММИТ



15-16 СЕНТЯБРЬ КУНЛАРИ САМАРҚАНД ШАҲРИДА БЎЛИБ ЎТГАН ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ САММИТИ ТАРИХИЙ ВОҚЕАЛАРГА БОЙ БЎЛДИ. МИНТАҚАГИНА ЭМАС, БУТУН ДУНЁ УЧУН МУҲИМ ҚАРОРЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ. ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПА-

ЛАТАСИДАГИ ФРАКЦИЯСИ АЪЗОЛАРИ САММИТНИНГ АҲАМИЯТИ, ЎЗБЕКИСТОН ТОМОНИДАН ИЛГАРИ СУРИЛГАН ТАКЛИФ ВА ТАШАББУСЛАР ҲАҚИДА ЎЗ ФИКР-МУЛОҲАЗАЛАРИНИ БИЛДИРДИ.

2-3

MUNOSABAT

t.me/uzbekiston_ovozi_gazetasi

facebook.com/uzbekistonovozi

instagram.com/uzbekiston_ovozi

info@uzbovozi.uz

www.uzbovozi.uz

ДУНЁ НИГОҲИДАГИ

ЮКСАК ИШОНЧ ВА ҲАМКОРЛИК



Улуғбек ИНОЯТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасидаги
ЎзХДП фракцияси раҳбари:

— Ўзбекистон дунёда тинчлик, барқарорликни асраш, давлатлар ўртасида ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликни ривожлантириш жараёнида фаол иштирок этишга тайёр экани ШХТнинг Самарқанд саммитида яққол исботини топди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев илгари сурган фикр ва ташаббуслар ҳам буни тасдиқлади.

Албатта, жаҳон аҳамиятига эга анжуман аъзолар, ҳамкорлар, халқаро ташкилотларнинг фаол иштирокида ўтказилгани, дунё ҳамжамиятининг эътибори бир неча кун давомида Самарқандга қаратилгани **Янги Ўзбекистоннинг жаҳондаги нуфузидан, нафақат минтақада, балки халқаро майдонда Президентимизга ҳурмат ва ишонч юқориликдан далолат беради.**

Бу саммит ҳамкорлик, мулоқот янги даражага кўтарилган, аъзо давлатлар келажаги учун муҳим қарорлар қабул қилинган саммит сифатида тарихда қолади.

Саммитда ШХТнинг фаолиятини такомиллаштириш бўйича принципиал қарорлар қабул қилинди. Уларнинг барчаси давлатлар ва халқларимиз ўртасида ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Алоҳида таъкидлаш лозимки, **бу ҳужжатларнинг аксарияти Ўзбекистон томони ташаббуси билан ишлаб чиқилган.**

Таҳлил қиладиган бўлсак, саммит доирасида илгари сурилган ташаббуслар, қабул қилинган ҳужжатларнинг аксарияти ижтимоий-иқтисодий масалаларни самарали ҳал қилишга қаратилганини кўралик.

Хусусан, ШХТга аъзо давлатлар ўртасида хизматлар савдоси соҳасидаги ҳамкорликнинг асослари, ШХТ мамлакатларини инфратузилмавий ривожлантириш дастури тасдиқлангани муҳим аҳамиятга эга. Ҳозирги кунда иқтисодий-ижтимоий муносабатларда ишлаб чиқариш билан бирга, хизматлар ва инфратузилмани ривожлантириш зарур.

Кейинги йилларда аъзо давлатлар ўртасида иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаш бўйича кўплаб ютуқларга эришилди. Айниқса, **Марказий Осиё давлатларида ўзаро алоқалар, бордикелди тубдан яхшиланиши ва бу жараёнда Президентимиз юритаётган очиқ прагматик сиёсат муҳим таянч бўлаётганини** ҳам таъкидлаш жоиз.

ШХТга аъзо давлатлар иқтисодиёти бир-бирини тўлдирish хусусиятига эгаллиги ҳисобга олинса, саммитда қабул қилинган минтақа ичида савдони ривожлантириш бўйича қўшма ҳаракатлар режаси кўплаб янги имкониятларни очиб беради. Бунинг учун аъзо давлатларни бир-бири билан чамбарчас боғлашга хизмат қиладиган режа ва лойиҳаларни муваффақиятли амалга ошириш талаб этилади.

Ташкилотга аъзо давлатлар географик жиҳатдан бир-бирига яқин бўлса-да, шу вақтга қадар иқтисодий, савдо-сотиқ, хизмат кўрсатиш, илмий-маданий алоқалар етарли даражада ривожланган, деб айта олмаيمиз. Саммитда Президентимиз **илгари сурган аксарият ташаббуслар ана шу муаммоли ҳолатларни бартараф этишда,** ҳамкорликнинг янги йўналишларини яратишда ҳам долзарб аҳамият касб этади.

Буларнинг барчаси аъзо давлатларнинг манфаатларига, халқларимиз фаровонлигига янада кенг йўл очади. Иш ўринлари барқарорлиги ва аҳолининг реал даромадлари ошиши кафолати янада мустаҳкамланади. Шу тариқа давлатлардаги ижтимоий масалалар бир-бирига боғлиқ тарзда ечим топади.

Шунинг учун **аввало,** кенг қамровли, тарихий Самарқанд саммитининг аҳамияти, унда илгари сурилган ташаббуслар, қабул қилинган қарорларнинг мазмун-моҳияти ҳақида аҳоли орасида, ОАВда кенг тушунтириш, тарғибот ишларини олиб бориш барча даражадаги ташкилотларимиз, депутатлик бирлашмаларимизнинг асосий вазифаси, деб биламиз.

Иккинчидан, саммитда алоҳида эътибор қаратилган йўналишлардаги ислохотларни ривожлантириш, самарадорликни ошириш бўйича парламент ва депутатлик назоратини изчил йўлга қўйишимиз зарур.



Улуғбек ВАФАЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси
депутати, ЎзХДП фракцияси
аъзоси:

— Яқунлаиб бораётган йил жаҳон тарихида чуқур из қолдирадиган турли салбий воқеликлар, қарама-қаршиликлар ва ўткир минтақавий моjarолар кучайган йил бўлди. Айниқса, давлатлар ўртасида доимий мулоқот йўқлиги ва ишонч инқирози кучайганлиги жаҳондаги барқарорлик ва тараққиёт йўлидаги кўплаб муаммоларни кескинлаштирди.

Ушбу таҳликали замонда Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Самарқанд саммити **жаҳонда халқаро тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш бўйича йилнинг энг муҳим ва энг самарали сиёсий воқеаси бўлди.**



Шоҳиста ТУРҒУНОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси
депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Инсон капиталини ривожлантириш, ихтисослашган таълимни ривожлантириш, ИТ-соҳасидаги касбларни оммалаштириш, ИТ-корхоналар учун институционал шароитларни яхшилаш ва маъмурий тўсиқларни камайитириш бўйича ислохотлар мамлакатимизда аллақачон бошлаб юборилган. Эндликда бу йўналишдаги ҳамкорлик ШХТга аъзо давлатлар ўртасида ҳам жадал ривожланади. Рақамли саводхонликни ривожлантириш бўйича ШХТ дастури қабул қилинди ва бу барча соҳадаги алоқаларни мустаҳкамлашга, аъзо давлатлар фуқароларининг имкониятларини оширишга хизмат қилади.

ИТ инфратузилмасини яхшилаш, аҳоли, айниқса, ёшларнинг бу борадаги саводхонлигини ошириш давр талабидир. Рақамли саводхонлик



Мавжуда ҲАСАНОВА,
Олий Мажлис
Қонунчилик палатаси
депутати, ЎзХДП
фракцияси аъзоси:

— ШХТнинг Самарқанд саммити пандемиядан кейин дунёда ишонч ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш, эзгу ташаббусларни амалга ошириш қанчалик муҳимлигини кўрсатди. Давлатимиз раҳбари таъкидлаган "Самарқанд руҳи" музокаралар, имзоланган ҳужжатларда ўз аксини топди.

Айниқса, ШХТ маконида келгунини йили туризмининг ривожлантириш йили деб эълон қилиш, ШХТ доирасида университет

ректорлари форумини, туризм кунларини, спорт тадбирлари, универсиадаларни таъсис этиш тўғрисидаги таклиф ва ташаббуслар ортида жуда катта мазмун ва моҳият бор. Ташкилотга аъзо давлатларда жуда катта нуфузга эга бўлган таълим университетлари бор. Университетлар ва таълим ходимлари орасидаги ўзаро муносабат келгусида аъзо давлатлар учун манфаатли бўлишига ишонимиз.

Давлатлар ўртасида туризмнинг ривожланиши эса янги, барқарор иш ўринлари яратилишига катта замин яратади. Қарерда туризм ривож-

ривожланаётган Ўзбекистон учун Европа ва Осиёни боғловчи кўприк сифатида ўз мавқеини янада мустаҳкамлаш, жаҳон бозорига ўз маҳсулотлари, хизматлари билан чиқиш учун катта имконият яратади.

Мамнуният билан қайд этиш керакки, Самарқандда ўтказилган саммитдан **кўтилган натижалар тўлиқ ўзини оқлади.** Саммит минтақамиз ҳамда дунёда хавфсизлик ва иқтисодий-ижтимоий тараққиётни таъминлашга, Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг жаҳондаги нуфузини янада мустаҳкамлашга салмоқли ҳисса қўшди.

» **Ушбу таҳликали замонда Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Самарқанд саммити жаҳонда халқаро тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш бўйича йилнинг энг муҳим ва энг самарали сиёсий воқеаси бўлди.**

жуда кенг тушунча. Бу ахборот олиш, билим олиш, касб-хунар эгаллаш, меҳнат фаолияти билан шўғулланиш каби инсон ҳаётининг муҳим йўналишларини қамраб олади. Шунингдек, рақамли саводхонлик жамиятнинг барча йўналишлари ривожланишига, аъзо давлатлар аҳолиси ўртасида мулоқот ва дўстлик муҳити мустаҳкамланишига, янги технологияларга ижобий муносабатни шакллантиришда ҳам катта аҳамиятга эга.

Рақамли технологиялар ва рақамли иқтисодиёт бўйича бутун дунёда етакчилардан бўлган Ҳиндистон, Хитой ва бошқа давлатлардаги амалий тажрибаларни оммалаштириш орқали керакли ижобий натижаларга эришилади. Бу борадаги ҳамкорлик аъзо давлатларининг иқтисодиётини рақамлаштириш, замонавий кадрларни тайёрлаш ҳамда жаҳон бозори талабларига мос таклифларни яратишга хизмат қилади.

ланса, шу жойда маънавият ривожланади, инвестициялар эркин ҳаракатланади. Бизнинг тарихимиз, маънавий қадриятларимиз ҳақида бошқа мамлакатлар халқлари ҳам яқиндан хабардор бўлади.

Ҳеч бир соҳа инсонларни спортчилик бир-бирига тез яқинлаштира олмас керак. Шундай экан, давлатимиз раҳбарининг спорт мусобақаларига, универсиадалар ўтказилишига урғу бераётгани ҳам келажақда улкан натижалар келтиради. Бу мамлакатларимиз ёшларининг ўзаро муносабатини яхшилашда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

фаатли муносабатларни мустаҳкамлаб, халқаро ҳамкорликни муваффақиятли тарзда чуқурлаштиришда. ШХТ таркиби кенгайиб, шериклик муносабатлар ривожланиб бормоқда.

Саммитда Эрон Ислам Республикасининг ташкилотга тўлақонли аъзо сифатидаги мажбуриятлари тўғрисидаги меморандум имзоланди. Миср Араб Республикаси ва Қатар давлатига мулоқот бўйича шериклар макомини бериш тўғрисидаги меморандумларга эришилди. Бундан ташқари, Беларус Республикасига ШХТнинг тўлақонли аъзоси, Баҳрайн Подшоҳлиги, Қувайт давлати, Мальдив Республикаси, Бирлашган Араб Амирликлари ва Мьянма Иттифоқи Республикасига – мулоқот бўйича шериклар макомини бериш бўйича жараёнларни бошлаш тўғрисида қарор қабул қилинди.

ШХТнинг географик қамрови кенгаётгани ўзаро бир-бирини тушуниш ва амалий саъй-ҳаракатларни намоиш этаётган ташкилот фаолиятининг долзарблигини яна бир тасдиқлади.

Шерзод РАҲМОНОВ,
Олий Мажлис
Қонунчилик палатаси
депутати, ЎзХДП
фракцияси аъзоси:

— Президентимиз саммит иштирокчиларининг эътиборини тинчлик ва дўстликка асосланган, стратегик шериклик, бирдамлик муносабатларини мустаҳкамлашга қаратди. Улар орасида энг муҳимларидан бири озик-овқат хавфсизлиги билан боғлиқ бўлди.

Ташкилотга аъзо мамлакатларнинг қишлоқ хўжалиги ва озик-овқат маҳсулотларининг йирик ишлаб чиқарувчилари,

экспорт ва импорт қилувчилари бўлишига қарамадан, ШХТ майдонида озик-овқат хавфсизлиги масалалари бўйича ҳали жиддий ҳамжиҳатлик йўлга қўйилмагани таъкидланди. Шу муносабат билан озик-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг умумий тамойиллари ва ёндашувларини ишлаб чиқиш зарурлигига урғу берилди.

Хусусан, қишлоқ хўжалиги эканлигини еттиштириш ва қайта ишлаш дастурларига, тўғридан-тўғри ўзаро таъминотнинг мувофиқлаштирилган схемаларини шакллантиришга, юқори сифатли ва арзон озик-овқат

маҳсулотларини етказиб бериш учун самарали логистика, "яшил" ва экспресс йўлақларни ташкил этишга жиддий эътибор қаратиш зарурлиги таъкидланди. Ана шундай ҳаётий масалаларни кенг муҳокама қилиш, истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш ҳамда муаммоларни ҳал этиш мақсадида келгуси йили Озик-овқат хавфсизлиги бўйича халқаро конференция ўтказиш таклифи этилди. Бу борадаги таклифлар ҳеч бир давлат раҳбарини бефарқ қолдирмади. Улар ҳам Президентимиз ташаббусларини қўллаб-қувватлади.





САММИТ



Фирдавс ШАРИПОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси
депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Самарқанд саммити айна пайтгача ташкилотнинг давлат раҳбарлари кенгаши томонидан ўтказилган мажлисларнинг энг сермахсули бўлди, десак ҳеч муболага бўлмайди.

Аввало, саммит кенг форматда ўтказилгани, унда қабул қилинган ҳужжатлар кўлами катталиги етук мутахассислар томонидан алоҳида эътироф этилмоқда.

Президентимизнинг яқин қўшнилар ва давлатлар билан олиб бораётган очик, прагматик ҳамда конструктив мулоқоти ушбу саммитнинг юксак даражада ўтишига асос бўлганини таъкидлаш зарур.

Шунинг учун ҳам ташкил этилганидан бери илк бор ШХТ фаолиятини такомиллаштириш ва

модернизация қилиш тўғрисида тарихий қарорлар қабул қилинди. Энди ушбу қарорлар ташкилотнинг янада жозибдорлиги ошишида, кенг қамровда, замон билан ҳамнафас фаолият олиб боришида дастуруламал бўлади.

Мамлакатимиз етакчиси томонидан ҳамкорликнинг долзарб масалалари юзасидан аниқ тақлифлар ва амалий ташаббуслар илгари сурилди.

Бир сўз билан айтганда, Самарқанд саммити мамлакатимизнинг сиёсий қудратини, имкониятларини, салоҳиятини яна бир бор бутун дунёга намойён этди, албатта. Бу эса инвестициявий жозибдорликни, дунё давлатларининг мамлакатимиз билан яқиндан ҳамкорлик қилишини ҳамда Ўзбекистоннинг жаҳон саҳнасидаги ижобий имиджини юксалтиришга хизмат қилади. Самарқанд саммити ШХТ фаолиятида янги саҳифа очди.



Шербек БҮРОНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси
депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Ҳар қандай халқро ташкилотнинг нуфузи ва аҳамияти унга дунёда берилётган эътибор ва фаолиятининг самарадорлиги билан белгиланади. Самарқанд саммити ШХТ ана шундай нуфузли халқаро ташкилотга айланганини кўрсатди.

Ушбу ташкилотнинг халқаро муносабатлар тизимида тугган ўрни йилдан-йилга кучайиб бормоқда. Унинг халқаро майдондаги таъсири ўсиб бориши билан минтақадаги бошқа давлатларнинг ҳам маъмур ташкилот фаолиятида иштирок этишга бўлган қизиқишини оширди. 2017 йилда ШХТ сафи икки янги иштирокчи – Ҳиндистон ва Покистон билан кенгайди. Эроннинг аъзолиги масалалари самарали ҳал этиляпти. 6 мамлакат мулоқот бўйича ҳамкорлар саналади (Туркия, Озарбойжон, Непал, Шри-Ланка, Камбоджа, Арманистон).

Хавфли муаммолар гирдобидан чиқишининг яқин ягона йўли ҳар бир тарафнинг манфаатларини ҳисобга олиш ва ҳурмат қилишга асосланган кўп томонлама ҳамкорликдир. Айнан инқироз ва бўҳронлар даврида ҳар бир мамлакат асосий эътиборни глобал ҳамжиҳатликка қаратиши лозим. Яъни, бу борада яхши қўшничилик, ўзаро бир-бирини тушуниш, мустақам ҳамкорлик алоқалари муҳим ўрин тутди.

ШХТ давлат раҳбарлари кенгашининг Самарқанд декларациясида ҳам шу масалаларга алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, ШХТга аъзо давлатларнинг узоқ муддатли яхши қўшничилиги, дўстлиги ва ҳамкорлиги тўғрисидаги шартнома қоидаларини 2023-2027 йилларда амалга ошириш бўйича комплекс ҳаракатлар режаси тўғрисидаги банди юқоридаги масалалар ечимида муҳим аҳамият касб этади.

Кўп томонлама фаолиятга асосланган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти айнан мана шундай мақсад ва вазифаларни кўзлайди.



Ўрол ҲОЗБОВЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси
депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Самарқанд саммити доирасида ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий, ҳам экологик жиҳатдан муҳим ҳужжатлар имзоланган бўлса, иштирокчи давлатлар ўртасидаги музокаралар ҳам самарали ва амалий руҳда кечди. Масалан, Эрон 85 миллиондан ортиқ истеъмолчига эга, тайёр бозор бўлиб, араб, афғон, турк, покистонликлар, озар, арман ва туркманлар ўртасида кўприк бўлиб келган. Шу жиҳатдан Ўзбекистон — Эрон муносабатлари жуда муҳим саналади.

Хитой эса Евроосиёдаги гигант мамлакатлардан бири саналади. Президент Шавкат Мирзиёев ва ХХР Раиси Си Цзиньпин ўртасида имзоланган ҳужжатлар тўплами ҳам салмоғи ҳамда истиқболли экани билан алоҳида аҳамият касб этади. Яъни, давлат раҳбарлари Қўшма баёнот қабул қилди. Унда асосий келишувлар қайд этилган, ҳар томонлама стратегик шерикликнинг бугунги ҳолати ва уни мустақамлаш истиқболлари акс этган.

Бундан ташқари 15 та ҳужжат имзоланди. "Яшил" тараққиёт соҳасидаги инвестициявий ҳамкорлик ҳамда рақамли иқтисодиёт соҳасидаги инвестициявий ҳамкорликни мустақамлаш тўғрисида ва яна қатор меморандумлар тасдиқланди. Замонавий ва мамлакат тараққиётига хизмат қилувчи соҳалар кесимида янги келишувларга эришилди. Умуман, савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликка доир умумий қиймати 15 миллиард долларлик битимлар имзоланди.

Айтиш керакки, икки дўст мамлакат ўртасидаги муносабатлар янги эмас. Улар узоқ йиллик ўтмишга бориб тақалади. Айни пайтда олиб борилаётган ҳамкорликни томонларнинг стратегик шериклик алоқаларини мустақамлашдаги муштарак интилишларининг ифодаси сифатида баҳолаш мумкин.

муҳокама, ташкилотнинг келгуси ривожланиш стратегияси белгилаб олинган тарихий саммит бўлди.

Саммитнинг баланд руҳи билан айнан шу нуқтадан, Самарқанддан ШХТнинг учинчи ўн йиллик янги босқичи бошланди. Давлатимиз раҳбари ШХТ доирасидаги кўп қиррали ҳамкорликнинг долзарб масалалари бўйича қатор аниқ тақлиф ва амалий ташаббусларни илгари сурди. Хусусан, келаси йили умумий хавфсизлик ва фаровонлик йўлида "Самарқанд бирдамлик ташаббуси" халқаро форумини ўтказиш тақлифи иштирокчилар томонидан мамнуният билан қабул қилинди.

Давлатимиз раҳбари ШХТ маконидан инқирозни биргаликда енгиб чиқиш ва барқарор ривожланишга эришиш учун иқтисодиёт, савдо ва сарможий соҳалардаги ҳамкорликни кенгайтириш зарурлигини таъкидлади. Шу муносабат билан ўзгарувчан воқелик шароитида амалий ҳамкорликнинг самарали моделларини шакллантиришга қаратилган кенг форматли ШХТнинг янги иқтисодий мулоқотини бошлаш ташаббуси илгари сурилди.

ШХТга аъзо давлатларнинг узоқ муддатли яхши қўшничилиги, дўстлиги ва ҳамкорлиги тўғрисидаги шартнома қоидаларини

2023-2027 йилларда амалга ошириш бўйича комплекс ҳаракатлар режаси, ташкилотга аъзо давлатларнинг ўзаро боғлиқликини ривожлантириш ва самарали транспорт йўлакларини яратиш бўйича концепцияси, ҳамкор давлатларнинг ўзаро ҳисоб-китобларида миллий валюталар улушини босқичма-босқич ошириш бўйича "йўл харитаси" каби муҳим ҳужжатларнинг ишлаб чиқиши - бу бешлик таркибидаги халқларнинг ўзаро жипслиги, яқдиллиги, аҳиллигининг ҳуқуқий кафолати сифатида баҳамжихат бўлиб амалга ошириладиган эзгу ишларга дебеча бўлиб хизмат қилади.

Музокаралар якунлари бўйича қабул қилинган ҳужжатлар ШХТ фаолиятининг истиқболли йўналишлари бўйича ҳамкорликни сифат жиҳатидан янги амалий мазмун билан тўлдиршига хизмат қилади. Тузилма ўз тадрижий тараққиётининг янги босқичига Ўзбекистон ташаббускорлигида қадам қўйиши раислик зиммасида турган бурчининг шарафли адо этилишига замин ҳозирлади.

Ер юзининг диққат марказидан ўрин олган йирик саммит ниҳоятда юқори даражада, баланд руҳда ўтди ва бу улғурлик Самарқанд руҳиятида узоқ яшайди.

ҳамкорликнинг кўплаб устувор вазифаларини биргаликда ҳал этиш масъулияти турибди.

Шу нуқтаи назардан, давлатимиз раҳбари Самарқанд саммитидаги нуқтаи аввало, ташкилотнинг блокларга қўшилмаслик мақомини ва унинг очиклигини сақлаб қолиш муҳимлигига эътибор қаратди. Ташкилот ўз Хартиясига кўра, хавфсизликнинг яхлитлик тамойилига қатъий риоя қилади.

Ўзбекистон ШХТда Марказий Осиёнинг "географик ядроси" мақомини сақлаб қолиш тарафдори. "Шанхай руҳи" тамойиллари асосида бирдамлик, ўзаро қўллаб-қувватлаш ва шерикликни мустақамлаш яна бир асосий вазифа ҳисобланади. Фақат шу йўл билангина ШХТ минтақасида

тинчлик, барқарорлик ва фаровонликни таъминлаш мумкин.

Ушбу принципаал ёндашувлардан келиб чиқиб ва бугунги халқаро вазиятни ҳисобга олган ҳолда, мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев ШХТни 2040 йилгача Ривожлантириш стратегиясини тайёрлашга киришиш тақлифини илгари сурди. Ушбу дастуруламал ҳужжат кўп қиррали ҳамкорликнинг барча йўналишларини белгилашга хизмат қилади. Бунда иқтисодиёт, савдо ва инвестиция соҳасидаги ҳамкорликнинг амалий таъсирчанлигини ошириш фойда муҳимлиги ҳам алоҳида таъкидланди.

Президентимиз кенг қамровли йиғилишда кўплаб муҳим ва долзарб тақлифларни баён этди. Давлатимиз раҳбари, айниқса,

минтақадаги геосиёсий вазиятга алоҳида ургу берди. Зеро, таҳликали кунларни бошдан кечираётган Афғонистонни яққалаб қўйиш ШХТ минтақасида ҳамкорлик алоқалари ривожланишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Президентимиз мажлисда яна бир муҳим тақлифни илгари сурди. Яъни, кейинги йилни ШХТга аъзо давлатларда туризмни ривожлантириш йили, деб эълон қилиш тақлифи қўллаб-қувватланадиган бўлса, давлатларимиз ўртасида сайёҳлар ҳаракатланиши эркинлашади. Натижада турли давлатларда, турли маданиятларда яшайдиган одамлар бир-бирини яқиндан билади, дўстлик, борди-келди ришталари мустақамланади. Бу мамлакатларнинг янада яқин ҳамкор бўлишига қўшимча асос яратаяди.



Дилором ИМОМОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати, ЎзХДП
фракцияси аъзоси:

— ШХТ ўз тараққиётининг янги, янада масъулиятли босқичига қадам қўйди. Шундай бир шароитда

буриятларни бажарилишига олиб келади.

Ҳозир давом этаётган пандемия ва вазиятларнинг чигаллашиб бориши натижасида мамлакатлар ўртасида келишилган миллиардлаб маблағлар барбод бўлмоқда. Бу эса ўз-ўзидан дунёдаги бошқа мамлакатларга таъсир қилмоқда. Анжуманда ушбу масалалар юзасидан ҳам битимлар тузилишига эришилди. Ҳамкорликда тузилган ушбу битимлар, ўзаро ишонч орқали эртанги кунда ўзининг ижобий натижаларини беради, албатта.

Биргина Эрон Ислон Республикаси билан ҳамкорликнинг турли соҳаларини қамраб олган 18 та ҳужжат имзоланди. Унда асосий келишувлар қайд этилган ҳамда икки мамлакат ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни янада кенгайтириш борасидаги узоқ муддатли вазифалар белгиланган. Масалан, ишбилармонлик ва илмий доиралар вакиллари ҳамда сайёҳлик гуруҳлари учун виза тартиботларини соддалаштириш, дипломатик паспортлар эгаларини виза талабларидан икки томонлама озод этиш тўғрисида битимлар имзоланди. Бу орқали томонлар ўртасида туризм, хусусан, зиёрат туризмининг бюрократик тўсиқлардан ҳоли равишда ривожлантириш имкони юзага келади. Ҳаттоки, 2022-2025 йилларда туризм соҳасидаги ҳамкорлик дастури ҳам қабул қилинди. Саёҳатчилар оқимининг ортиши эса ҳар икки мамлакатда маданият, фан-таълим ва бошқа қатор йўналишларда ўсиш тенденцияларига олиб келади.



Муқаддас ҲОЗАЛИЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати, ЎзХДП
фракцияси аъзоси:

— Дунё қалтис бир жараёнда турибди, бу нуфузли халқаро ташкилот саммитида ер юзида тинчлик ва барқарорликни таъминлаш бўйича, мамлакатлар ўртасида ишончли асл ҳолатига келтириш бўйича музокаралар ўтказилди. Бу йирик анжуман шунинг кўрсатдики, ҳеч бир мамлакат ўз қобилигига ўралиб, ўзи мустақил, бошқа мамлакатлар билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатмасдан, йўлга қўймасдан туриб ривожлана олмайди. Тадбирда нафақат иқтисодий балки, дипломатик, сиёсий алоқаларни ривожлантириш бўйича битимлар тузишга эришилди. Эртанги кунда бу мамлакатлар ўртасидаги ушбу битимлар орқали ўзаро қатъий ишонч орқали келишилган маж-

NUQTAI NAZAR

t.me/uzbekiston_ovozi_gazetasi
facebook.com/uzbekistonovozi
instagram.com/uzbekiston_ovozi
info@uzbovozi.uz
www.uzbovozi.uz

2022 йил 14 СЕНТЯБРЬ, СОАТ 16 ДАН ОШГАН. САМАРҚАНД ПОЕЗД ВОКЗАЛИ. ЙИЛ ДАВОМИДА БИР НЕЧА ЎН МАРТАЛАБ АЙТИЛГАН, ТУРЛИ НАШРЛАР, ТЕЛЕ ВА РАДИОДАСТУРЛАРДА ТИЛГА ОЛИНГАН ШХТНИНГ САММИТИНИ ЁРИТИШ УЧУН КЕЛГАН МУХБИРЛАР ОРАСИДА ЎЗИНГНИ КЎРИШ ҲАМ МАСЪУЛИЯТ, ҲАМ ҒУРУР БЕРАДИ. ТАДБИРЛАР ҚАЙ ТАРТИБДА ЎТКАЗИЛАДИ, ҚАНДАЙ ЁРИТАМИЗ, ХАТО ҚИЛИБ ҚЎЙМАЙМИЗМИКИН, ДЕГАН САВОЛЛАР ХАЁЛНИ БАНД ҚИЛГАН ҲОЛДА МЕҲМОНХОНАГА ЙЎЛ ОЛДИК.



ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ ДАРАЖАСИ

Тарихий воқеликка гўвоҳ бўлишга шайланган кўҳна кентнинг гўзаллиги бизни мафтун этди. Кенг ва равон кўчалар, ҳар қадамда дўст ва ҳамкор давлатлар байроқлари хилпирайди. Бу – яхшиликка ишора. Тинчлик, барқарорлик, осуда ҳаётдан нишон. Зеро, ер юзида ушбу сўзларнинг қадрини йўқолиб, давлатлар, инсонлар ўртасида ўзаро ишонч, бирдамлик тушунчалари ўтмаслашиб бораётган бир даврда Евроосиё худудидagi гигант давлатлар байроғи бир сафда туришида улкан маъно мужассам. Тинчликпарвар ташкилот сифатида ном қозонаётган ШХТ шунча давлатни муштарак мақсадлар йўлида бирлаштирди. Шаҳар кўчалари бўйлаб юриб борар экансиз, дўстлик ва биродарлик нафасини ҳис этиш ёқимли.

Саммит доирасида кўплаб ҳужжатлар имзоланиши, ҳамкорликнинг янги босқичларига йўл очилиши ҳақида янги тахминлар бўлди. Мутахассислар, экспертлар кутулаётган натижалар ҳақида қарашларини билдирди.

Табиийки, бу жараёнда фарз ниятли кучлар ҳам қараб тургани йўқ. Ҳар бир вазият тўғриси баҳолаб олиш, узоқни кўра билиш ва кимларнингдир ноғорасига ўйнамаган ҳолда ҳал этилди. Самарқанд саммити юқори кайфиятда, кутилган натижалар билан ниҳояланди.

ШХТГА РАИСЛИК ВА ИЛГАРИ СУРИЛГАН ТАШАББУСЛАР

Аввало, Ўзбекистон ШХТга раисликни юқори кўрсаткичлар билан якунлади. Мамлакатимиз раислик даврида ташкилот доирасидаги амалий ҳамкорликни фаоллаштириш, унинг салоҳияти ва халқаро нуфузини оширишга интилди. Хавфсизлик масалалари билан бир қаторда савдо-иқтисодий ва гуманитар ҳамкорликни кенгайтиришга устувор эътибор қаратилди. Ташкилот фаолиятининг барча соҳаларида кўплаб ташаббуслар амалга оширилди. Йил давомида 80 дан ортққ йирик тадбирлар, хусусан, спорт мусобақалари, турли учрашувлар, умуман, барча режалар юксак савияда ўтказилди. Ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатлар натижасида саммит якунига кўра 44 та битим, концепция, дастурлар ва бошқа қарорлар қабул қилинди. ШХТ тарихида мутлақо янги давр бошланди.

Хусусан, ШХТга аъзо давлатлар ўртасида ўзаро боғлиқликни ривожлантириш ва самарали транспорт йўлакларини яратиш бўйича битимлар имзоланиб, янги коридорлар бўйича ташаббуслар муҳокама қилинди. Шунингдек, "ақлли" қишлоқ хўжалиги ва агроинновацияларни жорий этиш юзасидан ҳамкорлик концепциялари, ишлаб чиқариш технологияларидан фойдаланиш, қайта тикланадиган энергия манбалари, инфратузилмани ривожлантириш масалаларида ҳам келишувларга эришилди. Саноат кооперациясини рағбатлантириш, рақамли савдо-иқтисодий юксалтириш соҳаларида ҳамкорлик дастурлари ҳам янги босқичга кўтарилиши кутилмоқда. Худудлараро савдонини ривожлантириш билан боғлиқ қўшма чора-тадбирлар режаси ва юқумли касалликларнинг олдини олиш ҳамда даволашда ҳамкорлик қилиш ҳам устувор вазифалар сифатида белгиланди.

ТИНЧЛИКНИ ТАРҒИБ ҚИЛУВЧИ ТАШКИЛОТ

"Тараққиёт стратегияси" маркази эксперти Анваржон Миркомилоннинг фикрига кўра, бугунги зиддиятларга бой даврда ШХТга аъзо бўлиш ёки унинг қузатувчиси мақомини олиш истагини билдираётган давлат сони кўпайиб бормоқда. Ташкилотнинг нуфузи ва жозибадорлиги унинг блоктан ташқари мақомга эга бўлгани учун ҳам ошиб бораётганини таъкидлади. Унинг тамойиллари очиклик, учинчи давлатлар ёки халқаро ташкилотларга қарши ҳаракат қилмаслик, барча иштирокчиларнинг тенглиги ва суверенитетини ҳурмат қилиш,

ички ишларга аралашидан бош тортиш, сиёсий қарама-қаршилик ва рақобатнинг олдини олишдан иборат.

Минтақада тинчлик ўрнатилиши учун ҳаракат қилаётган кучлар кўп. Қобулдан бу борадаги баёнотлар эшитилмоқда. Аммо бунинг аксига уринаётган, фарз ниятини амалга ошириш истагида юрганлар ҳам оз эмас. Ҳаттоки, радикал ғояларни тарқатиш учун кенг майдонга эга бўлган айрим халқаро террор ташкилотлари ўзини анча қулай ҳис қилмоқда. Ваҳоланки, Россия, Эрон, Хитой ва бутун Марказий Осиё давлатлари афғон инқирозини ҳал қилишдан жуда манфаатдор. Демак, бу вазиятда кимдир аниқ ташаббус билан, ушбу мақсадларни амалга оширишга қаратилган ғоя билан майдонга чиқиши керак эди.

Шу нуқтада давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев "катта юриш" қилди. Афғонистонни қўллаб-қувватлаш, ижтимоий-иқтисодий аҳолини яхшилаш, унинг аҳолисига ҳамма инсонлар каби тинч ва фаровон турмуш кечирishi учун шароит яратиш билан боғлиқ тақлифларини билдирди. Афғонистонда тинчлик ўрнатилиши ва унинг ижтимоий-иқтисодий тикланишига кўмаклашиш, бу борадаги ишларни мувофиқлаштиришни кучайтириш ШХТнинг энг устувор йўналишларидан бўлиб қолиши лозимлигини таъкидлади. Бу билан боғлиқ тақлиф ва ташаббусларни ўртага ташлади. Дарҳақиқат, афғон халқи яхши кўшничлик ёрдамига ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ муҳтож. Президентимиз шуларни таъкидлаб, ўтмишдаги хатоларни такрорламасликка, Афғонистонни унинг муаммолари билан ёлғиз қолдирмасликка чақирди.

Афғонистоннинг ижтимоий-иқтисодий ўсишига, унинг минтақавий ва глобал ривожланиш жараёнларига интеграциялашувига кўмаклашиш орқали узоқ муддатли инқироздан самарали чиқиш йўллари тақлиф этиш билан унга ёрдам қўлини чўзиш кераклиги ҳақида фикр билдирилди. Таъкидланганидек, бу давлат ШХТ йирик маконининг ажралмас қисми бўлиб, афғон халқи ҳозир ҳар қачонгидан ҳам яхши кўшчилар ва уларнинг кўмагига муҳтож. "Санкциялар сиёсатининг кучайтирилиши ва Афғонистоннинг ҳозирги ҳукумати янада яқкаланиши муқаррар равишда мамлакат ичида радикаллашувнинг кучайишига олиб келади ва уни террорчилик ташкилотлари учун плацдармга айлантиради. Шу боис биз Афғонистон муваққат ҳукумати томонидан илгари қабул қилинган, шу жумладан, аёллар ва болалар ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятларини бажариши бўйича Кобул билан конструктив алоқаларни ривожлантириш тарафдоримиз", деди Президент.

Афғонистонни гуманитар қўллаб-қувватлаш бўйича махсус фонд ташкил этиш ва уни мазкур мамлакатга чегарадош бўлган Термиз шаҳрида биргаликда таъсис қилиш тақлифини билдирди. Бунинг учун у ердаги транспорт-логистика хабининг замонавий инфратузилмасидан фойдаланиш ғояларини илгари сурди. Фонд маблағлари эса ушбу мамлакатдаги ижтимоий инқирозни бартараф этиш, ёшлар учун таълим дастурлари ва соғлиқни сақлаш соҳасидаги лойиҳаларни амалга оширишга йўналтирилади.

Афғон халқи уларни иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлашдан кўпроқ манфаатдор. Демак, Ўзбекистон томони илгари сураётган темир йўл орқали коридор ҳосил қилиш бу борадаги яна бир муҳим қадам бўлади.

ҲАММА УЧУН МУҲИМ

Саммитда ер юзидаги ҳар бир мамлакат учун энг муҳим масалага эътибор қаратилди. Яъни, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш тинчлик ва барқарорликни таъминлашдек муҳим, ҳам кечиктириб бўлмас масала экани таъкидланди. Жумладан, мамлакатларимиз қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларининг йирик ишлаб чиқарувчилари, экспорт

ва импорт қилувчилари бўлишига қарамасдан, озиқ-овқат хавфсизлиги масалалари бўйича ҳали жиддий ҳамжиҳатлик йўлга қўйилмаганига эътибор қаратилди.

Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти лойиҳа раҳбари Рустам Ҳасанов таъкидлашча, ер юзидаги турли таҳлиқалар, давлатлар ўртасидаги низоли тўқнашувлар озиқ-овқат хавфсизлигига жиддий таҳдид солмоқда. Ваҳоланки, мамлакатлар аҳолисининг саломатлиги, соҳалар бўйича ютуқларга эришиши, умуман, ҳаёт кечирishi, яшаши учун аввало озиқ-овқат зарур. Кунлик истеъмол қилинадиган неъматларга эса доимо эҳтиёж бўлгани боис улар қайта ишланиши, узлуксиз етиштириб борилиши лозим. Экологик жиҳатдан ер шарининг озиқ-овқат етиштириш таъминоти нотекис бўлиб, шу жиҳатдан ҳам давлатларнинг бир-бирига эҳтиёжини юзага келтиради. Шунинг учун ШХТга аъзо давлатлар мамлакатлари ўртасида озиқ-овқат алмашинувини келишиб олиш ва йўлга қўйиш масаласи устувор саналади.

Масалан, Ўзбекистон 200 дан ортққ дунё мамлакатлари орасида гилос етиштириш бўйича 3-4 ўринларда туради. Шунингдек, айрим турдаги мева-сабзавот ҳамда полиз экинлари етиштиришда ҳамма юқори 10 талиқдан жой олиб келган. Айтайлик, юртимизда иқтисодий ва озиқ-овқат хавфсизлиги нуқтаи назаридан минимум сифатида галла етиштирилади, бироқ бу аҳоли эҳтиёжлари учун етарли эмас. Зеро, дунёда бирор бир мамлакат йўқки, тўлиқ ўзини ўзи озиқ-овқат билан таъминлай олсин. Демак, ўзимиздаги маҳсулотларни экспорт қилиб, Ўзбекистон табиатида етиштириш қисман ноқулайроқ бўлган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини импорт қилиш фойдалироқ саналади. Бу тўғрисида иқтисодий қарор саналади. Демак, саммитда кўтарилган масалалар интеграциялашувни ҳосил қилади.

Шунингдек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг бир қанча захиралари бор ва бу агротехнологиялар орқали йўлга қўйилди. Мазкур масалалар ҳам ташкилотда уруғ етиштириш, юқори ҳосил берадиган навларни ўзаро ҳамкорликда ишлаб чиқиш масалаларига алоҳида эътибор қаратиляпти. Натижада айрим турдаги маҳсулотларнинг ҳосилдорлигини ошириш, сифатли ишлаб чиқиш имкони ошади.

Ўзбекистоннинг ақин келажакдаги энг устувор мақсадларидан бири транзит салоҳиятини рўёбга чиқаришдан иборат. Халқаро транспорт йўлакларини ишга туширилиши ҳам стратегик аҳамият касб этади. Бу орқали Марказий ва Жанубий Осиё ўртасидаги иқтисодий боғлиқлик юзага келади. Товар айрибошлаш, туризм кенгайди. Ушбу занжирлар кетма-кетлиги яна бориб давлатнинг ривожланиши, мамлакат аҳолисининг фаровон яшашига хизмат қилади.

Агар ўзаро товар алмашинуви яхши йўлга қўйилса, озиқ-овқат тақчиллигига барҳам берилиб, нарх-навонинг барқарорлигини таъминлашга эришилади. Ушбу ташаббусларнинг амалга оширилиши учун транзит масалаларини ҳал этиш, албатта, транспорт логистика тизимини кенгайтиришни тақозо этади.

Ўзбекистон транспорт йўналишларини оладиган бўлсак, кўпроқ шимол тарафга қаратилган ва бошқа томондаги давлатлар билан у қадар ривожланмаган эди. Саммитда эса бир нечта йўлакларни ташкил этиш масаласи илгари сурилди. Демак, Ўзбекистон — Қирғизистон — Хитой темир йўли қурилиши билан боғлиқ битим имзоланиши яна бир жиддий одим бўлди. Транс афғон йўналишидаги лойиҳа, яъни узунлиги 573 километр бўлиши кутулаётган Тошкентни Покистон шимоли билан боғлайдиган «Мозори — Шариф — Кобул — Пешавар» темир йўлининг қурилиши ШХТга аъзо давлатлар ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини бутунлай янги даражага кўтаради.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,
"Ўзбекистон овози" муҳбири.



ДОРИХОНАЛАР ФАОЛИЯТИ ДЕПУТАТЛАР НАЗОРАТИДА!

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Вобкент тумани кенгаши партия депутатлик гуруҳи ташаббуси билан "Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ижроси доирасида тумандаги барча турдаги дорихоналарнинг аҳолига кўрсатаётган хизмати аҳолини ўрганишга киришилди.

Мазкур масала юзасидан тузилган ишчи гуруҳи аъзолари М. Мустафоев, Ф. Амонов, Ш. Исмаев, М. Хайруллаев ҳамда вилоят Кенгаши депутати Г. Икромовалар Вобкент туманидаги "Бухоро Дори-дармон" МЧЖга қарашли 8-сон ижтимоий дорихонада бўлишди, Ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминланганлик ҳолати, дори нархлари, бепул дори воситалари берилиш ҳолатлари ҳамда мавжуд муаммолар юзасидан ўрганишлар олиб борилди. Шунингдек, тумандаги хусусий дорихоналарда ҳам бўлиб, мавжуд дорилар нархлари ҳамда олиб борилаётган фаолият юзасидан мониторинг ўтказилди.

Мазкур масала халқ депутатлари туман Кенгашининг навбатдаги сессия кун тартибига тегишли тартибда киритилиши кўзда тутилган.



МАҲАЛЛА АҲЛИ БИЛАН УЧРАШУВ

Ўзбекистон ХДП Андижон вилоят кенгаши раис ўринбосари О. Ҳасанов ва сектор мудири Ё. Мўминовалар Шаҳрихон туманидаги Қуруққош ва Эшонқишлоқ маҳалла аҳолиси билан "Халқ билан мулоқот" лойиҳаси доирасида очик мулоқот ўтказилди.

Унда маҳалла аҳолисининг маънавий, маданий ва ижтимоий шароитлари тўғрисида суҳбатлашилди.

Шу билан бирга, янги ўқув йилида ёшларга яратилган шарт-шароитлар, уларнинг тарбия ва одоб, кийиниш маданияти бўйича ҳам ота-оналар билан фикр алмашилди. Шунингдек, Юртбошимиз томонидан имзоланган Фармон ва Қарорлар тўғрисида ҳам тушунчалар бериб ўтилди.



«ЁШЛАР БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ» ЛОЙИҲАСИ

ЎзХДП Сирдарё вилоят Гулистон тумани кенгаши раиси томонидан Аҳмад Яссавий МФЙда "Ёшлар билан юзма-юз" лойиҳаси ўтказилди.

Лойиҳа давомида ёшлардаги мавжуд муаммолар ўрганилди ҳамда мамлакатимизда ёшларга қаратилаётган эътибор, улар учун яратилаётган шароитлар, қабул қилинаётган меъриий ҳужжатлар, шунингдек, ЎзХДП тўғрисида батафсил маълумот бериб ўтилди.

Тадбирда бугунги кунда ёшлар орасидаги долзарб масалалар муҳокама қилинди ва бир нечта ёшларга амалий ёрдам кўрсатилди. Жумладан, кам таъминланган оила аъзоси, ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган Ж.Минавваровга контракт тўлови учун маҳалла ёшлар етакчиси билан ҳамкорликда моддий ёрдам берилди.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож бир нафар фарзанди бор Д. Отабоева эса мебель корхонасига фаррош қилиб ишга жойлаштирилди.

Ўз муҳбиримиз.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг йиғилишлари борган сари мунозарали ўтапти, мамлакат парламенти қандай масалаларни муҳокама қилаётгани билан одамлар тобора кўпроқ қизиқаяпти.

Депутатлар 20 сентябрь куни ўтган йиғилишда ҳам бир неча қонун лойиҳаларини атрафлича муҳомама қилди. Дастлаб "Пробация тўғрисида"ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда моддама-модда кўриб чиқилди.

Пробация ўзи нима? Бу халқро атама "синов", деган маънони англатади. Моҳиятан шартли ҳукм қилинган маҳкумларни қайта тарбиялаш, уларнинг ҳуқуқларини рўйга чиқаришнинг самарадорлигини оширишни назарда тутди.

Мажлисида таъкидланганидек, қонун лойиҳасида пробациянинг вазифалари, шакллари ва принциплари, пробация хизмати фаолиятини ташкил этиш тартиби ҳамда ушбу фаолиятни назорат қилиш тартиби назарда тутилган.

Қонун лойиҳаси билан шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш, пробация назоратидаги шахсларда қонунга итоаткор хулқ-атвори ва жамиятда юриш-туриш қоидаларини ҳурмат қилиш муносабатини шакллантириш, уларни ижтимоий мослаштириш юзасидан таъсирчан ва самарали тизим яратилиши кўзда тутилмоқда.

Дарҳақиқат, бу лойиҳа қонун сифатида кучга кирса, ижтимоийлик даражаси хавфли бўлмаган жиноятлар учун жазо чоралари юмшатилади, қайсида маънода эҳтиётсизлик оқибатида йўл қўйилган хатолар учун оғир оқибатли жазолардан тийилган бўлади.

Мажлисида қонун лойиҳаси депутатлар томонидан моддама-модда кўриб чиқилди. Халқ вакиллари қонун лойиҳасидаги айрим нормалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Кўплаб саволлар ўртага ташланди ва уларга атрафлича жавоблар олинди.

Қизгин муҳокамалар, савол-жавоблардан сўнг қонун лойиҳаси қабул қилинди.

Мажлисида "Йўл ҳаракатини ташкил этиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Тан олиш керак, бугунги кундаги йўллар-



ЎТДИ ЁКИ ҚАЙТДИ

нинг ҳолати ўсиб бораётган транспорт воситаларининг тирбандликларсиз ҳаракатланишини таъминлай олмайди. Бунинг устига йўл ҳаракати иштирокчилари бўлган транспорт воситалари йўловчилари, пиёда ва велосипед ҳайдовчилар учун йўл ҳаракатини ташкил этиш тўғри ва тизимли йўлга қўйилмаган.

Таклиф этилаётган қонун лойиҳасида йўл ҳаракатини ташкил этишнинг асосий принциплари, йўл ҳаракатини ташкил этиш соҳасидаги давлат бошқаруви, автомобил йўли эгасининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, йўл ҳаракатини ташкил этишга қўйилган умумий талаблар, йўл ҳаракати мониторингини олиб бориш каби йўналишлар белгилаб қўйилмоқда.

Қонун лойиҳаси йўл ҳаракатини ташкил этиш бўйича давлат бошқаруви ва ваколатли органлар ўртасида самарали ҳамкорлик қилиш тизимларини яратиш, йўл ҳаракатини ташкил этиш самарадорлигини ошириш ҳамда такомиллаштиришга хизмат қилади.

Этиборлиси, лойиҳани амалга ошириш учун давлат бюджетидан пул ажратиш талаб этилмаслиги кўпчиллик депутатларда бир қанча саволлар пайдо бўлишига олиб келди. Қонун ижодкорлари пулли ишлар шу вақтгача қадар ажратилган маблағлар ҳисобидан амалга оширилиши режа қилинганлигини айтишди.

Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди. Лекин иккинчи ўқишда муҳока-

малар қизиса, саволлар янада кўпайса керак.

Палата мажлисида "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига пенсия тайинлаш тартибини такомиллаштиришга қаратилган ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги қонун лойиҳаси ҳам кўриб чиқилди.

Мазкур қонун лойиҳаси асосан ногиронлиги бўлган шахсларни қамраб олиши ва янги меъёрларни амалга ошириш учун 2023 йилдан бошлаб 275,5 млрд. кўпроқ маблағ ажратилишини кўзда тутиши қайд этилди.

Депутатлар бу масалани чуқур англаганликлари учун қонун лойиҳасини бир овоздан қабул қилишди. Ўзи, умуман, парламенти-мизда ижтимоий ҳимоя, ҳуқуқ ва имкониятлар тенглиги ғоялари билан боғлиқ қонун лойиҳалари қандайдир осон қабул қилиниши эътиборга молик.

Йиғилиш кун тартибиде кўрилган кейинги масала "Хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар қоғозлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси бўлди.

Таклиф этилган лойиҳада "Гендер аудитори" институтининг ташкил этилиши кўзда тутилган кўпчиликлари эътиборини тортди. Бу институт давлат органлари ва корхоналарнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда, у ерда фаолият юритаётган аёлларнинг сонини умумий ишчилар сонига нисбатан қийматини аниқлайди.

Умуман, бу институт дунё тажрибасида бор-йўқлиги масаласи ҳам муҳокама қилинди. Қонунчиликка олиб кириладиган ҳар қандай янгилик дунё тажрибасида бўлиши шартми?.. Дунё биздан тажриба оладиган янгилик яратсак ҳам бўлар, назаримизда.

Муҳокамалар жараёнида айрим саволлар очик қолган, кўплаб танқидий фикр-мулоҳазалар билдирилган учун лойиҳани кўмитага қайтариш ҳақида қарор қабул қилинди.

Аҳмаджон ҚУРБОНОВ
тайёрлади.

МУНОСАБАТ

ЮРТИМИЗГА САЁҲАТ ҚИЛИНГ!

Президентимиз раислигида ўтказилган мамлакатимизнинг ички ва ташқи туризм салоҳиятини янада ошириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишида билдирилган фикрлар ҳар бир юртдошимизнинг юрагидаги гаплари бўлди, десак мубалаға бўлмас. Белгиланган вазифалар эса юртимизни аслида оҳанграбодек ўзига тортадиган манзиллари янада чирой очиб, саёҳатчилар оқимини кенгайтириш, мамлакатимиз довуғини дунёга кенг таратиш имконини бериши шубҳасиз.

Саёҳат қилган одамнинг баҳри-дили очилади, янги масканлар, янги одамлар, янги қадриятлар билан танишиб дунёқарашни, тасаввурни кенгайтириш. Хоҳ хорижга, хоҳ ўз юртимизнинг гўзал гўшаларига ташриф буюринг, юрагингизда ўзгача энгиллик, ҳаётга бошқача қарашни ҳис қиласиз.

Бугун ички туризм ҳам аввалги йилларга қараганда анча ривожланган. Илгари одамларда бошқа ҳудудга зиёратга, саёҳатга боришга ҳатто вақт бўлмаган, кунни меҳнатда, тирикчилик ташвишида ўтганлар қанча. Бугун одамлар ўзларидан, рўзғоридан ортиб "Бир Самарқанд, Бухорога, саёҳатга бориб келайлик", деб бола-чақаси билан йўлга тушадиган оилалар бор. Қўни-қўшни, маҳалла-кўй, корхона-ташқилот ходимлари йиғилишиб борадиганлар ҳам талайгина. Албатта, буларнинг барчаси соҳада шароитлар янгиланаётгани, ўзгаришлар бўлаётгани сабаблидир.

Видеоселектор йиғилишида ҳам давлатимиз раҳбари бу йили туризм учун пандемиядан кейин қайта тикланиш даври бошланганини таъкидлади.

Маълумотга кўра, сентябрьгача бўлган даврда юртимизга келган хорижий туристлар сони ўтган йилга нисбатан 3 бараварга кўпайиб 3,1 миллион нафарни ташкил этган. Йил бошидан туризм экспорти ҳажми 926 миллион доллар, юртимизга келган меҳмонларнинг саёҳати ўртача 4-5 кунгача, сарфлар маблағи 305 долларгача кўпайди.

Ички саёҳат қилувчилар сони ҳам ўтган йилга нисбатан 3,5 бараварга ўсиб, 7,5 миллион нафарни ташкил қилди. Бу, албатта, аввало халқимизнинг ҳаёти янада фаровон бўлаётгани, рўзғоридан ортиб, ошириб саёҳат ва зиёрат қилишга имкони етаётганидан, юртимизнинг гўзал гўшаларини кўришга бўлган иштиёқи тобора ортиб бораётганидан далолатдир.

Туризмда топиладиган даромаднинг 30 фоизи одамларнинг қўлига иш ҳақи бўлиб бориши, саноатда ва бошқа тармоқларда бу 10 фоиздан ошмаслиги кўрсатиб ўтилди. Туризм соҳасида яратилган битта иш ўрни турдош тармоқларда қўшимча иккита иш ўрни пайдо бўлишига туртки беради. Йўлаб кўрайлик, битта иш ўрни очилиши натижасида бутун бир оиланинг рўзғори бут бўлади, даромад келади. Туристларга хизмат кўрсатувчи битта меҳмонхона очилиши қанчадан қанча оилалар ана шундан баҳраманд бўлади, деганидир.

Буни кўплаб вилоят, туман ва

шаҳар ҳокимлари яхши англаган ҳолда тадбиркорлар билан ишлаб, сайёҳлар келадиغان жойларни кўпайтираяпти. Натижада йил бошидан Самарқанд 900 минг, Фарғона 850 минг, Андижон 650 минг ички сайёҳларни қабул қилиб, бу борада пешқадам бўлди.

Давлатимиз раҳбари кейинги йилларда туризм соҳаси олдидаги 6 та катта муаммо ҳал этилгани, хусусан, сайёҳларга виза бериш кескин либераллаштирилгани, аэропортларда навбатлар ва текширишларга барҳам берилиб яшил йўлақлар қилингани, вокзалларда ҳам қўлай шароитлар яратилгани қайд этилди. Яна 6 та катта масала ечим бўйича навбатдаги вазифалар белгилаб берилди.

Элчихоналар олдида хорижий мамлакатларда тарғибот кампанияси, хорижий оммавий ахборот воситалари, машҳур туристик блогерлар учун пресс-турлар ташкил этиш вазифаси қўйилди. Транспорт вазирлигига хорижий авиакомпаниялар билан келишувга эришиб, Самарқандга Европа, Осиё, Америка, Араб давлатлари ҳамда қўшни мамлакатлардан кунига камида 10 та халқаро рейсларни йўлга қўйиш, водий, Нукус, Урганч ва Термиздан ҳар кунги камида 1 та авиақатновни йўлга қўйиш топширилди.

Энди водий аҳли водийга саёҳат қилишни истаганларга вақт борасида анча энгиллик бўлади. Машина, автобусдан кўра чарчоқ билмай манзилга тезда етиб олиб, яхши кайфият билан саёҳат қилишга нима етсин?

Ҳамма вилоят, шаҳар ва туман-

ларда сайёҳлар борадиган жойларни кўпайтириш кераклиги қайд этилди.

Шунингдек, мутасаддиларга барча сув омборлари, ўрмон хўжалиги ерларини ўрганиб, уларда туристик зоналар ташкил этиш бўйича дастур ишлаб чиқиш, Қорақалпоғистон, Бухоро, Қашқадарё, Навоий, Сурхондарё, Фарғона ва Хоразмнинг чўл ҳудудларида "сафари" туризмининг ривожлантириш мақсадида йўл танламас транспортлар учун импорт тўловларини тушириш таклифини киритиш топширилди.

Президент мамлакатимизнинг зиёрат туризми имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш зарурлигини таъкидлади.

Бухорода зиёрат туризми объекти инфратузилмасини яхшилаш учун маҳаллий бюджетга 40 миллиард сўм ажратилган бўлди. Биз аслида саёҳатларни, зиёратларни яхши кўрадиган халқимиз. Аммо, афсус билан айтиш мумкинки, умрида бир марта Самарқанд Регистони, Бухоронинг аркини кўриш орзусида юрганлар бор. Мамлакатимиздаги 1 минг 200 дан зиёд зиёратгоҳлар имкониятларини тўлиқ ишга солиниши ҳақидаги кўрсатма кўплаб инсонларнинг мана шу орзулари амалга ошишига хизмат қилади.

Исломбек УМИРОВ,
Ўзбекистон ХДП Самарқанд шаҳар кенгаши раиси:

– Кейинги йилларда вилоятимиз миқёсида туризм соҳаси жадал ривожланиб, кенг бунёдкорлик ишлари олиб борилмоқда. Меҳмонхоналар, овқатланиш, гид-таржимонлик

хизматлари соҳалари ҳам ислоҳ қилиниб, хориждан ва юртимиз бошқа ҳудудлардан ташриф буюраётган меҳмонлар салмоғи анча кенгайди.

Видеоселекторда давлатимиз раҳбари илгари сурган муҳим ташаббус, Самарқандда йирик халқаро учрашувлар ва анжуманларни ўтказиш таклифи ҳам вилоятимиз дунё эътироф этаётган масканга айланаётганлигидан далолатдир. Бундан ташқари, Самарқанддаги янги мажмуаларни ишлатиш, бунинг учун қўшимча имтиёз ва энгилликлар бериш бўйича алоҳида қарор лойиҳасини ишлаб чиқиш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Вилоятда барпо этилган янги аэропорт, 8 та меҳмонхона, конгресс-холл, парк, бошқа кўнгилочар ва дам олиш мажмуалари – мамлакатимиз тарихида янги туризм дарвозаси ва Янги Ўзбекистоннинг "ташир қоғози"га айланишига аминман", дея таъкидлади Президент. Берилган кўрсатмалар, мутасаддилар олдида қўйилган вазифалар ижроси албатта, бу мақсадларимиз амалга ошишига хизмат қилади.

Шахло РАҲМОНОВА,
халқ депутатлари Шаҳрисабз тумани Кенгаши депутати:

– Давлатимиз раҳбари бошчилигида ўтказилган видеоселекторда қатор ҳудудлар, хусусан, Шаҳрисабз туманида умуман туризм хизматлари кўрсатилмагани танқид қилинди. Вилоятнинг энг сўлим гўшалари айнан Шаҳрисабз туманида жойлашганини инобатга олсак, туризм соҳасини ривожлантириш аслида бу мураккаб иш эмас. Ўйлаймики, масъуллар бу борада бироз

жонланса, соҳага эътиборни янада кучайтирса, туманимиз янада обод бўлади.

Машҳур "Фелон", "Сувтушар", "Кул" қишлоқлари, ҳар ёзда одамлар оёғи узилмайдиган "Мираки" ҳудуди, меҳнаткаш одамлари билан танилган "Сарчашма" қишлоғи айнан туманимиз ҳудудида жойлашган. Бу ерларнинг об-ҳавоси ва табиати бошқа ҳудудларникидан буткул фарқ қилади. Аммо уларга борадиган йўллар нотекис. Хизмат кўрсатувчи объектлар йўқ.

Маҳаллий маданият уйлари, музейлар қурилиши ҳам мақсадга мувофиқ. Манзарали жойлар ҳақида ижтимоий рекламаларни ҳам кўпайтириш зарур. Муқаддас жойлар, авлиё ва пирлар ҳақида маълумот бера оладиган мутахассислар ва гидлар ҳам камлиги бор гап. Чекка ҳудудларда туристик кадрлар етишмайди.

Тарихий обидаларни тўлдириб, ҳайкаллар, кўргазмали воситалар билан жонлантириш зарур. Электр, транспортни ҳам ривожлантириш керак. Юқоридан кўриш учун мосламалар ҳам туристларда катта қизиқиш уйғотади, деб ўйлаймиз. Кейинги ойларида Шаҳрисабз тумани ҳудудида бир қанча туризм лойиҳалари ишга тушди. Энди бу лойиҳаларни омаллаштириш, кўпроқ одамларни хабардор этиш керак, назаримизда.

Саёҳат қилинг, завқ олинг!

Гулруҳ ОДАШБОВА,
"Ўзбекистон ovozi" муҳбири.

GAMXO'RLIK

t.me/uzbekiston_ovozi_gazetasi

facebook.com/uzbekistonovozi

instagram.com/uzbekiston_ovozi

info@uzbovozi.uz

www.uzbovozi.uz

Янги ўқув йили ҳам бошланганига кўп бўлгани йўқ. Айти пайтда тўлов-контракт асосида тахсил олаётган айрим талабаларни "Таълим кредити кимларга берилади, мен ҳам ушбу имкониятдан фойдалансам бўлармикан, бир оиланинг 2-3 фарзанди шартнома асосида ўқиса, барчасига кредит берилармикан" каби саволлар ўйлантирмоқда.



ЯНА БИР ИМТИЁЗ

ХОТИН-ҚИЗЛАРГА ФОИЗСИЗ ТАЪЛИМ КРЕДИТИ

Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 18 августдаги "Олий таълим ташкилотларида тўлов-контракт асосида ўқиш учун таълим кредитлари ажратишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қароридан талабаларнинг таълим кредитини олиш тартиби, асослари ва шартлари белгиланган.

Унга мувофиқ, республикамизда фаолият кўрсатаётган барча олий таълим ташкилотлари (давлат, нодавлат олий таълим ташкилотлари, мамлакатимиздаги хорижий ОТМлар ва уларнинг филиаллари)да ва қўшма таълим дастурлари бўйича бакалавриятнинг кундузги таълим шаклида ҳамда магистратура босқичида тўлов-контракт асосида тахсил олиш учун Молия вазирлиги ҳузуридаги Таълим кредитини молиялаштириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан кредитлар ажратиш ва уларни қайтариш тартиби жорий этилган.

Таълим кредити тижорат банклари томонидан ҳам амалга оширилади. Бу имконият Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган талабалар учун бўлиб, кредит олувчининг доимий даромад манбаига эга бўлган оила аъзолари (ота-онаси, ака-укаси, опа-синглиси, эри ёки хотини) ёки васийлари таълим кредити шартномасида биргаликда кредит олувчи сифатида қатнашиши мумкин.

Таълим кредитининг асосий қарзи талабанинг расмий ўқиш муддати тугаганидан сўнг еттинчи ойдан бошлаб 7 йил давомида қайтарилади. Бунда, таълим кредитлари учун фоизларни ҳисоблаш ва тўлаш олий таълим ташкилотига маблағлар ўтказилган санадан бошлаб, асосий қарзни қайтариш эса кредит олувчи томонидан олий таълим ташкилотидан таълимнинг ушбу тури бўйича ўқишнинг расмий белгиланган муддати тугалланганидан сўнг еттинчи ойдан бошлаб амалга оширилади.

– Юртимизда илм олиш, билим эгаллаш учун барча шароитлар яратилган, – дейди **Халқ банки Шайхонтоҳур филиали чакана хизматлар бўлими бош мутахассиси**

Азизхон Ғуломов. – Давлатимиз томонидан тўлов-контракт асосида тахсил олаётган талабалар учун қулай кўринишда таълим кредитларининг ажратилаётгани ҳам бунинг ёрқин далилидир. Банклар томонидан олий таълим муассасаларининг кундузги бўлимларида тўлов-контракт асосида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган талабаларнинг ўқиши учун уларнинг ўзларига, ота-оналари ёки васийларига таълим кредитлари берилиши мумкин.

Таълим кредитлари талабалар учун бакалавриятга ўқишга қабул қилинганда 10 йилгача ва магистратурага ўқишга қабул қилинганда 5 йилгача бўлган муддатга берилади.

Банклар томонидан чин етимлар, Меҳрибонлик уйларида тарбияланганлар ҳамда болаликдан I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлганларга фоизсиз, талабаларнинг қолган тоифаларига 2020 йил 1 январдан бошлаб фоиз харажатларининг бир қисmini "Yoshlar – kelajagimiz" жамғармаси маблағлари ҳисобидан компенсация қилиш механизмидан фойдаланиш имконияти билан бозор ставкалари белгиланади.

Давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 18 июлдаги қарорига кўра, тўлов-контрактда ўқиётган хотин-қизларга жорий йилдан бошлаб имтиёзли фоизсиз таълим кредити берилди. Ушбу имтиёздан кундузги, сиртки, кечки таълим шаклидаги барча олий таълим муассасалари ўқувчилари фойдаланишлари мумкин. Масофавий таълим, супер-контракт, қўшма таълим турида тахсил олувчиларга бу кредит берилмайди.

Таълим кредити аслида 14 фоизлик ставкада берилади. Аммо бу фоиз қисmini хотин-қизлар тўламайди, давлат тўлаб беради. Аниқроғи, Молия вазирлиги ҳузуридаги Таълим кредитини молиялаштириш жамғармаси

томонидан қопланади. Хотин-қизлар фақат таълим кредитининг асосий қисmini тўлади, холос. Таълим кредитининг асосий қисми талабанинг расмий ўқиш муддати тугаганидан сўнг еттинчи ойдан бошлаб (яъни олти ой ўтиб) 7 йил давомида қайтарилади. Масалан, 7 млн. сўм таълим кредити олинса, ўқишни тугатгандан сўнг, 6 ой ўтгач 7 йил мобайнида ойма-ой 83 минг сўмдан тўлаб борилади.

Кредит олиш учун банкка ариза, шахсини тасдиқловчи ҳужжат, таълим муассасаси билан тўлов-контракт шартномаси, талабанинг доимий даромад манбаига эга бўлган оила аъзолари ва бошқа учинчи шахс биргаликда қарз олувчи сифатида таълим кредити қайтарилишининг таъминоти бўйича ҳужжатлар тақдим этилади.

"Ижтимоий ҳимоя ягона реестри"га кирган оилаларнинг хотин-қизларига ажратиладиган таълим кредитлари учун гаров ва кафилликлар талаб этилмайди. Ушбу таълим кредити барча курсдагилар берилади, ёш чегараси белгиланмаган.

Айтиш лозимки, ушбу таълим кредити бир йил учун берилади, 4 йилликни умумлаштириб олиб бўлмайди. Лекин уни бир неча марта олиш мумкин, бунга чеклов йўқ. Яъни биринчи курсда олганлар, иккинчи курсда яна олишлари мумкин.

Ушбу таълим кредитининг яна бир афзаллиги оиладаги бир неча қиз фарзандлар ҳам олиши мумкин, битта оилага фақат бир киши деган чеклов йўқ. Фақат расмий даромади бор кафил топилса кифоя. Тошкент шахрида сентябрь ойининг ярмида минг нафарга яқин талабага 10 миллиардга яқин таълим кредити ажратилди. Барча талабаларга имконият ва имтиёزلардан самарали фойдаланишлари ва мустақил ҳаётга дадил қадам қўйишларини тилаб қоламиз.

Гулрух ОДАШБОВА,
"Ўзбекистон овози" муҳбири.

БИЛАСИЗМИ?



Нодавлат таълим ташкилотлари томонидан берилган дипломлар ҳам тан олинади

"Таълим тўғрисида"ги қонунга асосан нодавлат таълим ташкилотлари ўз фаолиятини лицензия асосида амалга оширади ҳамда лицензия талабларига ва шартларига мувофиқ таълим хизматлари кўрсатади.

Давлат таълим стандартлари ва давлат таълим талабларига мувофиқ таълим хизматларини кўрсатувчи нодавлат таълим ташкилотлари битирувчиларга давлат томонидан тасдиқланган намунадаги, Ўзбекистонда тан олинмаган таълим тўғрисидаги ҳужжатларни беради.



Хазина топган шахс унинг 50 фоизи миқдоридан мукофот олиш ҳуқуқига эга

Моддий маданий мерос объектлари жумласига қирадиган ашёлардан иборат хазина топилган тақдирда, улар давлат мулкига топширилиши керак.

Бунда хазина яшириб қўйилган ер участкаси ёки бошқа мол-мулкнинг эгаси ва хазинани топган шахс биргаликда хазина қийматининг 50 фоизи миқдоридан мукофот олиш ҳуқуқига эга. Агар улар ўртасидаги келишувда бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, мукофот бу шахслар ўртасида тенг улушларда тақсимланади.



Компьютер тизимини бузганлик учун жавобгарлик бор

Жиноят кодексининг 278⁵-моддасига кўра, ўзганинг компьютер ускунасини ёки хизматда фойдаланиладиган компьютер ускунасини қасддан ишдан чиқариш, худди шунингдек, компьютер тизимини бузиш (компьютер саботаж) қийдаги жазо чораларидан бири қўлланилишига сабаб бўлади:

- 3 йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, 90 млн. сўмдан 120 млн. сўмгача жарима;
- 2 йилгача озодликни чеклаш;
- 2 йилгача озодликдан маҳрум қилиш.



Кўп қаватли уйлarda ногиронлиги бўлган шахсларга уй-жой пастки қаватлардан берилади

Ногиронлиги бўлган шахсларга уй-жойни тақсимлашда имкониятга қараб, объектлар ва хизматларнинг қулайлигига қараб, иш жойига, тиббиёт ва реабилитация муассасаларига яқин бўлган уй-жой берилади.

Шунингдек, давлат уй-жой фондининг кўп квартиралар уйларидаги турар жойлар уларнинг хоҳишига кўра пастки қаватлардан берилиши мумкин.

Бундан ташқари, юқори қаватлардаги квартираларга эга бўлган ногиронлиги бўлган шахслар бўш турар жойлар мавжуд бўлган тақдирда уларни пастки қаватларда жойлашган турар жойларга алмаштиришга ҳақли.



Ҳомилдорлик нафақасини ҳисоблашда мукофотлар ҳам қўшилади

Ҳомилдорлик ва туғиш бўйича нафақа иш ҳақининг 100 фоизи миқдоридан берилади.

Нафақаларни ҳисоблаб чиқаришда ҳисобга олинмаган иш ҳақининг барча турлари, шу жумладан, мазкур ойда иш ҳақи билан биргаликда тўланадиган ойлик мукофотлар уларнинг ҳақиқатда олинган вақти бўйича эмас, балки улар ҳисоблаб ёзилган вақт бўйича иш ҳақи қўшилади.

Дилноза ШОМАТОВА,
Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилояти Оҳангарон туманлараро судининг судьяси.

t.me/huquqiyaxborot

ОИЛА — МУҚАДДАС ҚҮРҒОН

Оила ҳаётнинг абадийлигини, авлодларнинг давомийлигини таъминлайдиган, муқаддас урф-одатларимизни сақлайдиган, шу билан бирга, келажак насллар қандай инсон бўлиб етишишига бевосита таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоғидир.

Жамиятимизда оила билан боғлиқ ўзига хосликни минг йиллар давомида ҳаёт синонларидан ўтиб келаётган никоҳнинг муқаддаслиги, ота-онанинг фарзандлар, фарзандларнинг ота-она олдидаги бурчи, ўзаро иззат-ҳурмат ва ҳамжиҳатлик, ибодат, оила шаъни ва номуни асраш каби ҳамма бирдек итоат этадиган ҳаётий қонунлар амал қилиб келмоқда.

Аммо таъкидлаш керакки, инсоннинг бахтли яшаши фақат моддий таъминот билангина ўлчанмайди. Ҳаётини мисоллар таҳлилларга суяниб айтадиган бўлсак, бахтли яшашнинг яна энг муҳим омил – маънавият, ахлоқ масаласидир.

Оилаларда маънавий муҳитни яхшилаш, ота-оналар масъулияти ва оиладаги муносабатлар масаласига, айниқса, муаммоли, нотинч оилалар билан ишлашга хотин-қизлар кўмиталари, маҳалла фаоллари, нурунийлар ҳамда ёшлар ташкилоти вакиллари – кенг жамоатчилик томо-

нидан алоҳида эътибор қаратилиши лозим.

Шунинг учун фикримизча мустаҳкам, рисоладагидек оилалар вужудга келиши масаласига доимий эътибор қаратиш, лозим бўлса, вақтинча, аҳоли орасида ушбу масалада қатъий тўхташга келингунга қадар хотин-қизлар кўмиталари ҳамда маҳалла фаоллари ва бошқалар томонидан жиддий жамоат назорати ўрнатилиши керак.

Тинч ва аҳил яшаб, фарзандларини яхши тарбиялаб, умргузаронлик қилиб келаётган ота-оналар, уларнинг ҳаёт йўли ҳамда бошқалар бахти учун ҳолис ёрдам қўлини чўзаётган инсонлар тўғрисида маълумотлар бериб борилиши ҳам жамоатчилик, айниқса, ёшлар маънавияти ва ахлоқига ижобий таъсир этувчи муҳим омил бўлиши мумкин.

Шунинг учун бугун оммавий ахборот воситалари, интернет сайтлари орқали жамоатчилик содир этилаётган оилавий низо ва жиноятлардан қабардор қилиб борилаётганлиги каби, оилалардаги ижобий ҳолатларни ҳам ёритиб бориш лозим. Зеро, ўқувчи, хусусан, ёшларнинг масалага муносабатини шакллантиришда биргина салбий ҳолатларни кўрсатиш эмас, балки ўрнатилган ҳолатларни ҳам улар ҳуқуқига ҳавола қилиш мақсадга мувофиқдир. Бунда асосий эътиборни оила мустаҳкамлиги нимага олиб келиши, шунингдек, ажралишлар оқибати инсон ҳаётига қандай



таъсир этишини аниқ мисолларда, масалан, ажрашган оила аъзолари, ота-она ва фарзандларнинг жиноят кўчасига кириб кетганлиги каби ҳолатларни кўрсатиш лозим ва бу яхши самара бериши табиий.

Агарда ҳар қандай оила муаммосига «бу менинг муаммом эмас, менга нима» қабилида эмас, аксинча «бу бизнинг муаммоимиз» деб қарасак, бирини ака, бошқа бирини ука, опа-синглим десак, зарур маънавий кўмак берсак, оиладаги фарзандларни ўз фарзандимиз қаторида кўрсак ва кимгадир моддий ва кимгадир маънавий кўмак қўлимизни чўзсак, адашганга тўғри йўлни кўрсатсак ёки далда берсак, натижа ижобий бўлади.

Ҳар қандай инсон ўз иродасини тарбия қилиши жамиятимиз-

даги салбий ҳолатларга барҳам бериб, нафақат ўзининг балки бутун жамият аъзоларининг бахтли бўлишига олиб келади. Ана шундагина жамият аъзоларининг бахту саодати йўлда давлатимиз томонидан олиб борилаётган улкан ишларга ҳамоҳанг иш олиб борган, жамият олдидаги бурчимизнинг бажарган бўлаемиз. Зеро, барчамиз оила мустаҳкамлигини таъминлашга масъулмиз. Оила жамиятнинг бир бўғини экан, унинг соғлом бўлиши жамият аъзоларининг миллат олдидаги муқаддас бурчига айланиши керак. Оила бахти – жамият бахти.

JINOYATGA JAZO MUQARRAR

t.me/uzbekiston_ovozi_gazetasi facebook.com/uzbekistonovozi instagram.com/uzbekiston_ovozi info@uzbovozi.uz www.uzbovozi.uz



ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИ – ЭНГ МУҲИМ ВАЗИФА

Тошкент вилоятида озиқ-овқат хавфсизлиги ва нархлар барқарорлигини таъминлаш мақсадида жойларда штаблар ташкил этилиб, кунлик мониторинг ўтказилмоқда.

Тошкент вилоятидаги барча деҳқон бозорларида арзонлаштирилган озиқ-овқат ярмаркалари аҳолига хизмат кўрсатмоқда. Асосий озиқ-овқат маҳсулотлари тақчиллиги ва нархларнинг ўсиш хавфи юқори бўлган маҳсулотлар захирасини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Таҳлилларга кўра, шу йилнинг август ойида картошка 500 сўмга, гўшт ўртача 1 минг 500 сўмга, ўсимлик ёғи ва гуруч минг сўмга кўтарилгани кузатилди. Ушбу маҳсулотлар нархларининг ошишига йўл қўймаслик учун деҳқон бозорлари, йирик савдо шохобчаларида Жамоатчилик кенгашлари тузилган.

Мавсумда аҳолига 5,5 минг гектар ер майдонлари ажратилди. 1,8 минг гектар сабзавот, 418 гектар картошка, 234 гектар полиз, 276 гектар дуккакли, 292 гектар мойли ва 2,1 минг гектарда бошқа маҳсулотлар экилди. Улардан жами 82,8 минг тонна, шундан 38,2 минг тонна сабзавот, 8,9 минг тонна картошка, 5,4 минг тонна полиз, 436 тонна дуккакли, 673 тонна мойли ва 29,1 минг тонна бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш режалаштирилган.

Халқимиз картошкани иккинчи нон сифатида эъзозлайди. Сабзавот экинлари орасида картошка инсон ҳаётида катта аҳамиятга эга бўлиб, овқатланиш рақибидан муҳим ўрин тутди. Президентимизнинг 2020 йил 6 майдаги "Республикада картошка етиштиришни кенгайтириш ва уруғчиликни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги қарори ижроси доирасида вилоятнинг 9 та туманида картошка етиштириш белгиланган эди. Улар орасида Бўстонлиқ туманидаги "Bo'stonliq kartoshkachilik markazi" МЧЖ томонидан ёмғирликти суғориш ва механизациялаштириш тизими орқали яхлит плантация майдонларда уруғлик картошка етиштириш йўлга қўйилган. Айни пайтда 786 гектар ер майдонларида уруғлик картошка етиштирилиб, шундан 15 минг тоннадан ортиқ картошка ҳосили олиш кутилмоқда. Қайд этиш жоизки, ушбу кластер 2020 йилда ташкил этилган.

Янгийўл туманида етиштирилган булғор қалампирини нафақат ёқимли, ширин таъми, харидорлиги билан ажралиб туради. "Хўжаобод" маҳалласи аҳолиси шу кунларда етиштирилган булғор қалампирини йиғиб сотувга чиқармоқда. Сараланаётган бир бирдан чиройли ва сархил булғор қалампирларини кўрган кишининг ҳосилдан кўнгли ёришади. 3-сектор ҳудуди деҳқонлар асосан шу маҳсулотни етиштиришга ихтисослашган. Туман ҳоқими У.Ялғашев эндиликда бу маҳсулотни экспортга чиқариш учун аҳолига имкон қадар амалий ёрдам кўрсатмоқда.

Вилоятда ғалладан бўшаган майдонлардан ҳам ҳосил кўтариш мавсуми яқинлашаётир. Ҳисоб-китобларга кўра, ушбу майдонлардан жами 1 миллион 64 минг тонна маҳсулот олиниши режалаштирилган. Такрорий экинлардан олинадиган ҳосилнинг 156,5 минг тоннаси вилоят аҳолиси истеъмолга, 31 минг тоннаси қишбахор ойлари учун захирага жамғариш ҳамда вилоят истеъмолидан ортиқча қисми ҳисобидан 217,1 минг тонна Тошкент шаҳри ярмаркаларига ва 159,6 минг тоннаси экспорт қилинади.

Маълумки, Президентимиз ташаббуси билан ишсиз аҳолига деҳқончилик учун ер ажратилиши кўплаб ёшлар ва ишсиз фуқароларнинг бандлигини таъминлашда кўл келди. Улардан бири пискентлик 24 ёшли Ҳаёт Акбаралиевдир. Йил бошида "Ёшлар дафтари"га рўйхатга олинган Ҳаёт деҳқон хўжалиги ташкил қилиш учун ер берилганлигини эшитиб, мурожаат қилган ва аукцион орқали 1 гектар ерни 10 йилга ижарага олган эди. Шундан кейин мавсум давомида ўз ерида самарали меҳнат қилди. Биринчи ҳосилдан 30 миллион сўмлик тарвуз сотган йигит берилган имкониятлардан мамнун, чунки ҳали ҳосил мўл. Келажақда узумдан майиз қилиб, экспортга чиқариш ниятида.

– Ишинг кўзини билган одам 10 йилда анча даромад топиши мумкин, – дейди ёш деҳқон. – Режани пухта қилдим, шу ерлик боғбонлар тажрибасини ўргандим ва шу асосида ишни давом эттиряпман. Узум кўчатларини Самарқанд вилоятидан майизбоп "Кишиш" ва "Сўғдиёна" навидан келтириб эдик. Ток кўчатлари ҳосилга киргунича, орасига бу йил тарвуз парваришладим. Бунинг учун 12 миллион сўм харажат қилганман. Фойдаси эса ҳали давом этапти.

Вилоят ҳудудида озиқ-овқат таъминоти оғир ёки олис ва бориш қийин бўлган 92 та қишлоқ (овул)лар, маҳаллаларда 241,9 минг нафар аҳоли истиқомат қилади. Ушбу жойларга асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари, жумладан, ун, шакар ва ўсимлик ёғи кабилар 2022 йил декабрь ҳамда 2023 январь-май ойларида узлуксиз етказиб берилиши ишлаб чиқилган режа графиклар асосида амалга оширилади.

Ў.А.

"ҲОЖАТБАРОР ҲОМИЙ"НИНГ ҲИЙЛАСИ

Ҳалол меҳнат қилиш учун мамлакатимизда барча шароит яратилган. Имконият ва қулайликлар бор. Имтиёзлар қўлланилиб, кредитлар ажратилапти. Рўзгорлар ободлиги ва турмуш фаровонлиги учун изланиш, интилиш, иштиёқ, сабр-қаноат бўлса бас...

Аммо мўмай даромад топиб, тезда бойиб кетиш истагида бўлганлар ҳам учраб турибди. Самарқанд вилояти, Пайарик туманининг "Бешқўрган" маҳалласида яшовчи Ҳўкам Эгамназаров ана шундай устаси фаранг фирибгарлардан экан. Оилали, 3 нафар фарзанднинг отаси фақат ўзини ва бугунини ўйлагани таассуфли. У эртанги кун ва келажак учун яшаганда турмуш чорраҳаларида адашиб қолмаган бўларди.

Маълумки, ҳаётнинг ўзига хос қонун-қоида, қувончу ташвишлари бор. Синов ва машаққатлардан ўтишга тўғри келади. Тақдир иноятими ёки пешона битигими, 2003 йилда Ҳўкам Эгамназаров Денов туманининг Сўфи Оллоёв номи маҳалласида истиқомат қилувчи Насиба Эгамназарова билан турмуш қуради. Бирин-кетин фарзандлар дунёга келган. Оиланинг бахти бутун, турмуши ҳавас қилгулик, ҳаёти тўқис эди.

2011 йилда яна бир қувончли воқеа юз берган. "Қаҳрамон"имизнинг омади келиб Швециянинг Стокгольм шаҳрига меҳнат қилиш ҳуқуқини қўлга киритади. Шундан кейин оиласи ва фарзандларини ҳам олиб кетган. Хуллас, самарқандлик кўвнинг "довруғи дoston" бўлиб, ишлари юришгандан-юришади. Бундан таниш-билишлар хурсанд эди. Айниқса, Ҳўкамнинг қайнонаси Мавлуда Бобоевнинг қувончлари чексиз. У тўй ва давраларда қизи ҳамда кўвнинг яхшигина пул топаётганини мақтаниб гапирарди.

Шов-шув ва миш-мишларнинг тез тарқалиши табиий. Йирик миқдордаги маошнинг эшитган қариндошларда ҳам хорижда ишлаш истаги пайдо бўлган. Орзумандлар сафи кенгайди. 2018 йилнинг апрель ойида Ҳўкам Давилова ва Матлуба Бобоева Насибага кўнгирак қилиб, иш топиб беришни сўрайди.

– Йўл-қўриқ ва қонун-қоидаларини яхши билмайман, – дейди у ҳоласи ва то-

ғасининг қизига рўйи-рост. – Ҳўжжат ишларини турмуш ўртоғим расмийлаштирган.

– Ҳақиқатан ҳам Швецияда яхши маош тўланади, – дейди Ҳўкам Эгамназаров фурсатни бой бермай. – Иш кўп, шароит зўр, яшаш кўнглидагидек. Дастлабки икки ойда 2-3 мингдан, ундан кейин эса 4 минг доллардан берилади. Хоҳласаларинг чақирим мумкин. Аммо виза олиш ва ҳўжжат тўғирлаш учун биров "чиқим" қилишга тўғри келади. Ҳар бирингизга 7 минг 500 доллардан кетса керак-ов... Шунда уч ойдаёқ ишли бўласиз-қўясиз.

Хорижда "ишқи" тушган Ҳўкам ва Матлуба зудлик билан пул топишга киришади. Орадан бир ой ўтар-ўтмас 14 минг 500 доллар тайёрлиги маълум қилинган. "Учар кўв" эса уни Денов туманида яшовчи қариндоши Шаҳбоз Ражабовга беришни айтади. Маблағ айтилган вақтда Швеция пойтахти Стокгольм шаҳрига учиб кетаётган йўловчилардан бирига бериб юборилган.

Дастлабки "ови" бароридан келган шов-воз ниҳоятда хурсанд эди. Йўқ жойдан жарақ-жарақ пул йўндираётганидан лўттибознинг мамнун бўлгани турган гап. Тараллабедод қилиб юрган ана шундай кунларнинг бирида унга яна бир "мижоз" – Азиз Давилов кўнгирак қилиб қолади.

– Майли, бир яхшилик қилай, – ўзини жонқуяр қилиб кўрсатади почча эски "усул"ни қўллаб. – Эшитган бўлсанг керак, харажатларга 7 минг доллар кетади. Агар пул бўлса, фирмаларга бориш, ҳўжжат тайёрлаш ва бошқа юмушлар менинг гарданимда...

– Ҳозир бунча маблағим йўқ-да, – ҳафсаласи пир бўлади йигитнинг. – Илтимос, бир қўллаб юборинг. Яхшилигингизни унутмайман. Қарзингизни албатта, қайтараман...

Нафс қутқўсига йўлиққан "ҳожатбарор" тилёғламалик билан давом этади: – Сенга 3-4 минг долларли иш топмоқчиман. Агар "учидан" 2 минг берсанг, визани ҳал қилиб турардим. Шунда ҳам вақтдан, ҳам "нақд"дан ютказмасдик. Бир йил ишласанг борми, камида 35 – 40 минг долларли бўласан – а...

– Муаммо пайдо бўлди, – дейди "ишбилармон" уч-тўрт кундан кейин кўнгирак қилиб. – "Почта" қилинган икки минг "кўки"ни олдим. Аллақачон бир нечта компания билан келишилди. Шартномаларни бердим. Яқин кунларда жавоби келади. Масала ҳал бўлди, деявер. Яна минг доллар юборманг бўлмайди. Қолган гапни келганиндан кейин гаплашамиз...

– Ҳам пулдан айрилдик, ҳам сарсон-саргардон бўлдик, – дейди Ҳўкам Давилова. – Орзуларимиз саробга айланди. Қарийб 139 миллион сўмни қўлга киритган "бойвачча" эса турли хийла ва найранглари йўлаб топа бошлади. Аввалига виза олиш қийинлигини баҳона қилган бўлса, тўрт-беш ой ҳўжжат тўғирлаяпман, деб алдаб юрди. Ундан кейин фирма "банкрот"га учраганини такрорлаш одатга айланди-қолди. Эмигрантлар ортгани, иши юришмаётгани ва бошқа уйдирмаларни ҳам кўп эшитганмиз. Хуллас, хорижнинг хою-ҳавасига берилиб, роса чув тушдик. Алданганимизни жуда кеч англаб етдик.

Ғаламиснинг ғирромлиги, дангасанинг баҳонаси кўп бўлади, дейдилар. Ҳўкамнинг муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари томонидан ҳаромдан ҳазар қилмайдиган самарқандлик кўвнинг барча кирдикорлари фол этилди. Сўриштирув ва тергов давомида жабрланувчиларга етказилган 138 миллион 917 минг 270 сўм (17 минг 500 доллар) зарар тўлиқ қопланди.

– Топиш-тутишми яхши эди, – дейди Ҳўкам Эгамназаров. – Аммо баднафслик йўлдан адаштирди. Кўп нарсани йўқотдим. Қариндошлик ришталарига дарз кетди. Яқинлар ўртасидаги алоқалар узилди. Қилмишимдан чин кўнгиладан пушаймонман. Кечириларингизни сўрайман.

Жиноят ишлари бўйича Денов туман судининг 2022 йил 22 июлдаги ҳўкми билан Ҳўкам Эгамназаровга базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 баравари миқдориде, яъни 17 миллион 224 минг сўм жарима жазоси тайинланди.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
"Ўзбекистон овози" муҳбири.

ДЕҲҚОНЧИЛИК УЧУН ЕРЛАР

АҲОЛИГА 30 ЙИЛГА ИЖАРАГА БЕРИЛАДИ



Фермерлар ва кластерлар фойдаланишидаги пахта ва ғалладан қисқартирилган ҳамда аҳоли пунктларига яқин ва сув таъминоти яхши бўлган ерлардан

Манба: ПҚ–373-сон, 10.09.2022 й. @huqquiyaxborot

✓ 2022 йил якунигача қўшимча 20 минг гектар – умумий 100 минг гектар экин майдонлари

✓ 2023 йилда 95 169 гектар экин майдонлари аҳолига очиқ электрон танлов орқали ижарага берилади



БУНДА ЭКИН МАЙДОНЛАРИ 30 ЙИЛ МУДДАТГА:

Сув таъминоти яхши бўлган ерлардан – Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларида 0,15 гектардан 1 гектаргача, бошқа вилоятларда 0,30 гектардан 1 гектаргача ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида 0,30 гектардан 2 гектаргача бўлган ўлчамларда

Кам сувли ерлардан – вилоятларда 0,50 гектардан 1 гектаргача ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида 0,50 гектардан 2 гектаргача бўлган ўлчамларда ижарага берилади



2022–2023 йилларда экин майдонларини аҳолига бериш учун ўтказиладиган танловда 1 та талабгор иштирок этса ҳам, истисно тариқасида, танлов ўтказилган ҳисобланади

Иссиқхона ривожланган туманларда деҳқон хўжаликларига ажратиб берилган экин майдонларида иситиш тизимларини ўрнатмаган ҳолда енгил конструкцияли иссиқхоналар қурилишига руҳсат берилади

"Темир дафтар", "Аёллар дафтари" ва "Ёшлар дафтари"га киритилган аҳолига деҳқон хўжалиги учун ер танлов орқали ижарага берилганда, улар дафтарлардан чиқарилмайди ва улар учун барча имтиёз ва преференциялар бир йилга сақлаб қолинади.

